



# Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М М И

2010 йил 30 АПРЕЛЬ, ЖУМА

**XXI** сadosi  
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (11.644)

Баҳоси эркин нарҳда

**Мамлакатимизда  
қурилиш соҳасига  
сифатли ва  
рақобатбардош  
маҳсулотлар  
етказиб берувчи  
корхоналар тобора  
кўпаймоқда.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



терьерлари, гишт, ёғоч, бетон ҳамда деворларни бўйлаб ушбу маҳсулотларни қўлдан чиқарилади, дейди корхона раҳбари Авазбек Каримов. — Уларнинг сифати халқаро стандартларга ҳам, юртимиз иқлим шароитига ҳам тўлиқ мос келади. Юртбошимиз раҳнамолигида жадал суръатларда амалга оширилаётган қурилиш ишлари келгусида юртимизнинг янада кўркам ва обод бўлишига хизмат қилади. Бундай хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида жорий йилда яна иккита цехни ишга туширдик. Уларни замонавий, тежамкор, илғор технологиялар билан жиҳозладик. Бу эса маҳсулотларимиз тури ва ҳажмини янада ошириш ҳамда янги иш ўринлари очиш имконини берди.

Сайёра ШОЕВА,  
ЎЗА муҳбири

## Сўз — анжуман иштирокчиларига ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

**Жорий йилнинг 1-4 май кунлари Тошкентда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтади. ЎЗА муҳбирлари ушбу мажлис иштирокчилари ва меҳмонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.**

Руй ЛИ, Анхуй ахборот-технологиялари институти профессори (Хитой):

— Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда иқтисодий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳавас қилса арзиғулик ишлар амалга оширилаётган. Қўллаб-қувватлаётган иқтисодий тангликдан азият чекаётган ҳозирги даврда давлатингиз раҳбари оқилона сиёсат юритаётгани самарасида Ўзбекистон бу муаммодан деярли зарар кўрмади. Пойтахтнинг жорий йилнинг 12 апрель куни бўлиб ўтган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш ва унинг оқибатларини енгилаштиришда катта аҳамият касб этади.

Юртингизда банк соҳасини изчил ривожлантириш борасида кенг қўллаб-қувватлаётган олиб борилаётганига гувоҳ бўлдим. Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган Ўзбекистон банк-молия тизимида узокни кўзлаб амалга оширилган ишларнинг самараси туфайли молиявий инқирозни четлаб ўта олди.

Тран Ван СОН, Вьетнам Социалистик Республикаси Молия вазирлиги вакили:

— Мамлакатимизга биринчи марта келишим. Тошкентда ўтказиладиган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида муҳим тадбирда иштирок этиш шарафига миясасар бўлганимдан гоят мамнунман. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени хайратга солди.

(Давоми 2-бетда).

## Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

### «REZALIT KOLOR»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

дартлари асосида текшириб борилади. Жорий этилган тартиб ва малакали кадрларнинг жалб этилгани корхонанинг қурилиш материаллари бозорига муваффақият қозонишини таъминлаб, экспорт имкониятини оширмоқда. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишларига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида шаҳару қишлоқларимизнинг қиёфаси кун сайин ўзгармоқда. 50 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган «Rezalit kolor» корхонаси маҳсулотларидан юртимиздаги бир қатор тарихий обидалар, йирик иншоотларни қуриш ва таъмирланишида кенг фойдаланилмоқда.

— Маҳсулотларимиз бино фасадлари, ин-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**2010 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларини амалга ошириш натижасида иқтисодиётда ижобий ўзгаришлар давом этаётганини кўрсатмоқда.**

### I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2010 йилнинг биринчи чорагида иқтисодийнинг ислоҳ қилиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ҳамда шу асос-

да иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари, унинг самарадорлиги ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришилган иқтисодийнинг изчил ривожлантириш тенденциялари сақланиб қолди. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш суръатлари 7,6 фоизни ташкил қилди, sanoat маҳсулотлари ҳажми 7 фоизга,

жумладан истеъмол товарлари ҳажми 8,9 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 6,1 фоиз, қурилиш ишлари 20,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 8,3 фоиз, хизматлар 12,2 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,4 фоиз, маҳсулот экспорти 22,1 фоизга ўсди. Инфляция даражасини нисбатан паст — 3 фоиз, давлат бюджетни профицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз сақлаш орқали макроиқтисодий мувозанат таъминланди.

### II. Молия-банк барқарорлигини таъминлаш

Банк тизимининг устувор қисми бўлиб жорий йилнинг биринчи чораги охирида 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 46,4 фоиз, миқозларнинг банкдаги депозитлари қолдиғи 56,7 фоиз, аҳолининг тижорат банклардаги маблағлари 68,7 фоизга кўпайди. Кредит ташкилотлари-

да аҳоли депозитлари умумий миқдорига мuddатли ва жамғарма омонатлари улуши 32,4 фоизни ташкил қилди. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,29 триллион сўмга ёки 33,3 фоизга ошди.

Банклар ресурслар базасининг янада кўпайгани уларни иқтисодий реал сектори корхоналарига кредит ажратишга йўналтиришни ошириш имконини берди. Банкларнинг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиқлари 2010 йилнинг биринчи чорагида 11,4 фоизга ўсди. Бунда ушбу кредит қўйилмаларининг 82,1 фоизи узок мuddатли инвестиция кредитлари улушига тўғри келади.

Тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тақдим этилган кредит ресурслар улуши капитал қўйилмалар умумий ҳажмида 5,5 фоизни ташкил қилди. Утган йилнинг шу даврида эса бу кўрсаткич 2,1 фоиз бўлган эди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** маҳалла фаоллари, ёшлар иштирокида бўлиб ўтган тадбирда маҳаллада бизнесни ривожлантиришда оила ҳамда хотин-қизларнинг ролини ошириш масаласи муҳокама қилинди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Экологик ҳаракати томонидан бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирилган давра суҳбати экологик муаммоларни бартараф этишда ёшларнинг ўрни масаласига бағишланди.

✓ **ХОТИРА** ва **КАДРЛАШ** куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар учун «Ўзбекте-

леком» ва «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компаниялари МДХ мамлакатлари доирасида бепул телефон сўзлашув ҳамда телеграмма жўнатиш акциясини жорий этмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Кеча Буюк Британияда жорий йилнинг 6 май куни ўтказиладиган парламент сайловлари олдидан партиялар етакчилари иштирокида ўтказиладиган теледебатларнинг якунловчи босқичи уюштирилди. Унда консерваторлар етакчиси Дэвид Кэмерон галаба қозонди.

• Кеча Греция пойтахти Афинада мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш борасида жуда кескин чораларнинг қўлланилишига қарши норозилик намойиши ўтказилди.

• Кеча Туркия ҳукумати Европа ва Осиё қитъаларини бир-биридан ажратиш турувчи Босфор бўғози устидан узунлиги 1300 метрга яқин учинчи кўприк бунёд этилишини маълум қилди. Ушбу кўприкнинг қурилиши 4-5 йил давомида амалга оширилиб, 4,5 миллиард евро миқдоридagi маблағнинг сарфланиши режалаштирилмоқда.

• Испанияда жаҳонда илк бор инсоннинг юз қисмини тўла кўчириб ўтказиш бўйича ноёб операция амалга оширилди. Яъни, 30 нафар олий тоифали шифокорлар томонидан муваффақиятли адо этилган жарроҳлик амалиёти чоғида бундан беш йил муқаддам юзи жиддий жароҳатланган кишига автомобил ҳалокатида ҳаётдан қўз юмган шахс донорлик қилди.

• 2010 йилда Жанубий Африка Республикасининг 9 та шаҳрида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати чекувчилар учун ёпиқ деб эълон қилинди. Яъни, чемпионат беллашувлари бўлиб ўтадиган шаҳарларда 10 июндан бошлаб 7 июлга қадар чекиш тақиқланади. Бинобарин, стадионга келган ҳар бир мухлис бир кеча-кундуз давомида чекмаганлигини исботлаши учун махсус текширувдан ўтказилади.

• Тадқиқотчилар Борнео оролида қатор янги турдаги тирик жонзотларни аниқлашга муваффақ бўлишди. Улар орасида ҳозирча дунёдаги энг узун деб эътироф этилаётган *Phobaeticus chaili* ҳашароти алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки унинг танаси узунлиги ярим метрга тенг. Айни пайтгача олимлар бу турдаги жонзотнинг фақат учтасини топишган, шу сабаб уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида аниқ бир фикр билдирилмапти.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилнинг биринчи чорагида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан корхоналарни модернизация қилиш, техника ва технология янгилаш учун тижорат банкларининг 737,2 миллиард сўмга тенг кредитлари ёки 2009 йилнинг шу давридаги қараганда 1,5 марта кўп маблағи йўналтирилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик картчалар сони 2009 йилнинг шу давридаги қараганда 1,74 миллион донага кўпайди ва 6,49 миллионга етди, ўрнатилган терминаллар сони эса 32,7 миңга кўпайди ва 60,84 миңга ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик картчалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг биринчи чорагидаги нисбатан 2,9 баравар ошди, товарлар ва пуллик хизматлар учун нақд пулсиз тўловлар улуши 2009 йилнинг январь-мартдаги 67 фоиз ўрнига 2010 йилнинг январь-мартда 86 фоизни ташкил қилди.

## III. Мамлакат рақобатбардошлигининг ошириши таъминлаш мақсадида иқтисодий таркибий туб ўзгаришнинг чуқурлаштириш сиёсати давом эттирилди

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёқочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати (125,3 фоиз), енгил (111,0 фоиз) ва озиқ-овқат саноати (108,8 фоиз), машинасозлик ва металлургия қайта ишлаш саноати (107,9 фоиз) тармоқларида саноат маҳсулотлари ҳажми ўсишнинг энг юқори кўрсаткичларига эришилди.

Мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига ички талабни қўллаб-қувватлаш рағбатлантириш, корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатилти ва кенгайтириш, ушбу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш мақсадида маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳалар киритишнинг янги ёндашув ҳамда мезонлари ишлаб чиқилди. Шу асосда 2010 йилда мўлжалланган саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бўлғочни буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича янги дастур ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

Жорий йилнинг январь-мартда маҳаллийлаштириш дастурининг 699 лойиҳаси бўйича қиймати 996,0 миллиард сўмлик ёки ўтган йилнинг шу давридаги қараганда 23,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқилди. «Ўзметтажмаҳсулоти» (2,1 баравар), «Ўзбекчармлопфази» (1,9 баравар) уюшмалари, «Ўзкимсановат» давлат акциядорлик компанияси (1,7 баравар) ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (1,3 баравар) корхоналарида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг энг юқори суръатларига эришилди.

Истеъмол озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технология ускуналар, хомашё ва материаллар сотиб олиш учун 104,3 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Паррандачилик ҳўжаликларини ташкил этиш учун қиймати 12,6 миллиард сўмга тенг (ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 2,2 баравар кўп) ва енгил конструкцияли иссиқхоналар ташкил қилиш учун 4,9 миллиард сўмлик (1,7 баравар кўп) кредит маблағлари ажратилди.

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга қўра қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,7 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жорий йилнинг биринчи чорагида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми 2009 йилнинг шу давридаги қараганда 22,1 фоизга ошди, шунингдек, ташқи савдо айланишининг 1081,2 миллион доллар миқдоринда иқобий салдоусига эришилди имконини берди. Пахта толаси, озиқ-овқат маҳсулотлари, қўра ва рангли металлургия экспорт қилиш бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди. Карбамид, аммиак, кальцийли сода, мисли қотишмавлар, ип газлама ва қалава, автомобиль ва бошқа турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ҳам ортди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтиришга доир фаол чоралар қўрилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 625,1 миллиард сўмга ташкил қилди ёки 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар ошди, жумладан 116,5 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,5 бараварга ошди.

2010 йилнинг биринчи чорагида рўйхатда олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер ҳўжаликлари ҳисобга олмаганда) 1,3 фоизга кўпайди ва 227,2 миңга ташкил қилди. ЯИМда кичик бизнеснинг улуши ортди — 2009 йилнинг биринчи чорагидаги 36,2 фоиз ўрнига 38,0 фоизга, саноатда 14,1 фоиздан 15,8 фоизга, аҳоли бандлиги бўйича 73,1 фоиздан 74,3 фоизга етди. Бунда кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 125,9 фоизни ташкил қилди ва бу саноат тармоғи бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Хисобот даврида ишлаб чиқариш соҳасига инновация технологияларини жорий этишни рағбатлантиришга доир фаол чора-тадбирлар қўрилди. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновация

лоийҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 916-қарори ижросини таъминлаш мақсадида III Республика инновация фондлари, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилди ва унда 600 дан ортиқ ишланма намойиш этилди.

Ярмаркада саноат соҳаси — 240, қишлоқ ҳўжалиги — 200, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш — 100, ахборот технологиялари — 40, таълим ва илм-фан соҳасига оид 30 та ишланма тақдим этилди.

## 2010 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2009 йилнинг шу давридаги нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,6
Саноат маҳсулотлари ҳажми	107,0
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	108,9
Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари	106,1
Қурилиш ишлари	120,1
Чакана савдо айланиши	108,3
Пуллик хизматлар	113,4

Ярмарка давомида илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасида янги маҳсулот ҳамда технологияларини сотиб олиш бўйича умумий қиймати 10,6 миллиард сўмлик 456 та шартнома, жумладан 2010 йилда инновация маҳсулотларини етказиб бериш учун 6,7 миллиард сўмлик 331 шартнома, 2010-2012 йилларда инновация маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун 3,9 миллиард сўмлик 125 та ахдлашув протоколи имзоланди. Бундан ташқари, «Алокабанк»нинг 10 миллион доллар миқдордаги кредити ҳисобидан 10 турдан ортиқ янги дори препаратларини ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бириктирилган ташкил этиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инфратузилмани ташкил этиш дастурини амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Бандилик қўмақлаштириш жамғармаси, «Микрокредитбанк» ва бошқа тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан 4,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Мобиль алоқа хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сонининг кўпайиши ва АТСларни рақамлаштириш даражасининг оширилиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,1 фоизга ўсди. Микро ва истеъмол кредитлари ажратишни ривожлантириш, тўлов тизимини такомиллаштиришга доир қўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, молия инфратузилмасини институтларини ривожлантириш молия-банк хизматлари ҳажмини 24,6 фоизга ошириш имконини берди. 320 та янги чакана савдо корхонаси ва 45 та умумий оқватлиниш корхонасининг ишлаб туширилиши савдо ва умумий оқватлиниш хизмати кўрсатишнинг 12,2 фоизга оширилишига қўмақлаштирилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 440 дан ортиқ маъий шизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ ҳўжалирда хизмат кўрсатиш ҳам жадал ривожланмоқда. Чакана савдо, умумий оқватлиниш объектлари ва маъий шизмат кўрсатиш корхоналарининг ишлаб туширилиши натижасида қишлоқ ҳўжалирда 6,3 миңга иш ўрни ташкил этилди. Қишлоқ ҳўжалирда барча турдаги хизматлар улуши 27 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодий бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,2 фоизга ўсди, ЯИМда ушбу соҳа улуши 46,7 фоизни ташкил этди.

## IV. Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш

Жорий йил биринчи чорагида амалга оширилган инвестиция сиёсати оид чора-тадбирлар етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва техника қайта жиҳозлаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларининг кудратли замонавий тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни рўйбга чиқаришга йўналтирилди.

Натижада 2010 йилнинг биринчи чорагида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2910,6 миллиард сўмлик капитал қўйилмавлар ўзлаштирилди ва бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу давридаги нисбатан 101,2 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ёлдидаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмида ишлаб чиқаришни барпо этишга 79,5 фоиз инвестициялар йўналтирилди.

2010 йилнинг январь-мартда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 929,8 миллион долларни ташкил қилди ва 2009 йилнинг биринчи чорагида қараганда 2,6 баравар ўсди, уларнинг хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмидаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 85,3 фоиз ўрнига 94,8 фоизга етди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон тикланиши ва тараққийёт жамғармасидан 6 та лойиҳани биргалликда молиялаш учун 196,4 миллион доллар ажратилди.

Шу йилнинг бошидан буён 118 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, енгил ва тўқумачилик соҳасида 15, озиқ-овқат саноатида 41, қурилиш материаллари саноатида 56, машинасозлик соҳасида 2 та объект ишга туширилди ва улар қиймати 18,1 миллиард сўмлик асосий фондларни ташкил этишни таъминлади.

Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва техника қайта жиҳозлаш бўйича чоралар дастури доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 29 та лойиҳа, хусусан, «Навоийазот» оқиқ акциядорлик жамиятида фосфорит хомашёси қўшилган аммиак селитрасини грануллаштириш жараёнини ишлаб чиқиш ва жорий этиш», «Автоойна» маъсуляти чекланган жамиятида автомобиль ойналарини ламинация қилиш, кесил ва тоблаш бўйича янги линияларни ўрнатиш ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватларини ошириш», «Профиль интергравёр» маъсуляти чекланган жамиятида табиий чарм ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиш» (Тошкент шаҳри), «Универсал фарм» қўшма корхонасида ва «Технофарм» оқиқ акциядорлик жамиятида фармацевтика ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, 14,3 миңга чон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга 16 та кичик корхона қуриш, модернизация қилиш ҳамда бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятга эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон мил-

лий автомагистрალი участкаларини қуриш бўйича 32164,3 миллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу давридаги нисбатан 150,3 фоиз иш бажарилди. Ўзбекистон миллий автомагистрალი бўйлаб йўл ёқасидаги 8 та инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти қурилиши яқундаги ҳамда фойдаланишга топширилди.

Темир йўл транспортини ривожлантириш лойиҳалари бўйича 62,4 миллион доллар эквивалентда маблағ ўзлаштирилди, 542 та вагон капитал таъмирланди ва модернизация қилинди, иккита Talgo-250 тезорар поездни харид қилиш учун 10,64 миллион доллар миқдордаги маблағ йўналтирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт орқали 14,8 миң тонна юк, шунингдек, 4,2 миң нафар йўловчи ташилди (2009 йилнинг шу давридаги қараганда 113,5 фоиз). Бандак, Деху, Мумбай, Франкфурт, Сеул, Брюссель ва Милан шаҳарларига ҳафтасига 14 та рейс амалга оширилмоқда.

«Ангрен логистика маркази» ёлқ акциядорлик жамиятида транспорт-экспедиция, юклаш-тушириш хизматлари ва юкларни сақлаш хизматлари кўрсатиш бошланди, жорий йилнинг биринчи чорагида 707,5 миң тонна юк ташилди.

Электр энергетикасини модернизация қилиш, энергия сарфини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йил биринчи чорагида маъий истеъмолчиларнинг электр энергиясини сарфлашын аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган 1477,7 миңга ва ҳўжалик субъектларига 237,5 миңга электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Масалан, «Олмалик КМК» оқиқ акциядорлик жамиятида энергия тежаш режими жорий этиш ҳисобидан электр энергияси истеъмоли ўтган йилнинг шу давридаги қараганда 25,2 миллион кВт соатга, «Навоийазот» оқиқ акциядорлик жамиятида 13,5 миң кВт соатга камайтирилди.

Қўн РЭС ва Фарғона ЭСда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимини жорий этишга доир монтаж-созлаш ишлари нўҳосига етказилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида маъий секторда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимга мос келадиган 185,5 миңга замонавий ҳисобга олиш приборлари жорий этилди.

«DOOJIN Co., Ltd» (Жанубий Корея) компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида 750 кВт қувватга эга шамол энергетикасининг таъриба қурилмасини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 236 та мелiorация объектида умумий қиймати 12,9 миллиард сўмлик таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди. Бу умумий узулги 3174,6 километрик ҳўжаликлар ва ҳўжаликлар ичидagi коллектор-дренаж тармоғини тозалаш имконини берди. Умумий узулги 39,8 километрик коллектор-дренаж тармоғи барпо этилди ва реконструкция қилинди.

## V. Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни давом эттириш, қишлоқда уй-жой ва ижтимоий инфратузилмани жадал барпо этиш

Жорий йил биринчи чорагида тайёр ҳолда топширилган шарт билан уй-жой қуриш фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 420 та уй қурилди ва фойдаланишга топширилди. Қашқадарь, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши белгиланган барча уйлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича жами 1594,6 миң квадрат метр уй-жой (ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 110,6 фоиз), жумладан қишлоқ ҳўжалирда 1087,4 миң квадрат метр уй-жой (111,1 фоиз) фойдаланишга топширилди.

Замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, курук пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 33 та янги корхона, жумладан йилга жами 70 миллион донадан ортиқ ишт ишлаб чиқариш қувватига эга 11 та шикт заводи ишга туширилди.

Аҳолининг сифатли ичимлик суви таъминотини яхшилашга доир лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 319,1 километрик, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалирда 220,3 километрик сув қувурлари тармоғи ўтказилди.

Аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қайта ишлаш корхоналарини зарур хомашё билан таъминлаш мақсадида Аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда жорий йилда 5865,3 миң тонна сабзавот, 1566,6 миң тонна картошка, 1122,6 миң тонна полиз маҳсулотлари, 1575,3 миң тонна мена, 937 миң тонна узум, 1447,6 миң тонна гўшт (тирик вазида) ва 6165,3 миң тонна сўт ишлаб чиқариш қўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қурилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ ҳўжалирда ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 фоизга ўсди. Ўтган йилнинг биринчи чораги қараганда сабзавот (114 фоиз), гўшт (106,3 фоиз), сўт (106,5 фоиз) ва туҳум (112,2 фоиз) кўп ишлаб чиқарилди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида қимодоли савдолари орқали шиксий ёлдида, деҳқон ва фермер ҳўжаликларига 6740 бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оиналарга 2723 бош қорамол бепул берилди. 42 та зооветеринария пункт ташкил этилди, омухта ем ишлаб чиқарадиган корхоналар томонидан 200 миң тонна омухта ем ишлаб чиқарилди, тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандилик қўмақлаштириш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8 миллиард сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8516,3 миң бошга етди ёки 2009 йилнинг шу давридаги қараганда 106,3 фоизни ташкил этди. 59 та паррандачилик ҳўжалиги ташкил қилинди ва 2010 йил 1 апрель ҳолатига қўра, паррандаларнинг умумий сони 31,2 миллионга (112,8 фоиз) ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 31 қайта ишлаш корхонаси, жумладан 5 та мена-сабзавотни қайта ишлайдиган, 11 гўштни қайта ишлайдиган ва 15 та сўт маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ташкил қилинди.

## VI. Аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини оширишни таъминлаш

Жорий йилнинг биринчи чорагида 215,4 миңга янги иш ўрни, шундан 150,1 миңга ёки 69,7 фоиз қишлоқ ҳўжалирда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми — 135,4 миңга (62,9 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қарийб 70 миңга (32,5 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Ҳўжалик бирлашмалари ва ҳожимликларни қасаначилик, ҳунармандчилик ва халқ ҳунармандчилигини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширишга жалб қилиш ҳисобидан 53,1 миңга, хусусан, корхоналар билан кооперация асосида 18,6 миңга, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 11,8 миңга иш ўрни ташкил қилинди. 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, 200 миң нафардан ортиқ киши қасаначилик билан қамраб олинди.

Меҳнат бозорига фаол сиёсат юритиш аҳоли бандлигини 3 фоизга ошириш имконини берди ва бунинг натижасида иш билан банд аҳоли сони ўтган йилга қараганда 325,2 миң нафардан ортиқ ва 11,3 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш (105,8 фоиз), уй-жой-коммунал ва маъий хизмат кўрсатиш (105,3 фоиз), транспорт ва алоқа (105,2 фоиз), савдо ва умумий оқватлиниш соҳасида (105,3 фоиз) кузатилмақда.

Хисобот даврида бандлик ва иқтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга доир амалга оширилган тизимли ҳамда комплекс чора-тадбирлар натижасида аҳоли даромадлари ҳамда турмуш сифатининг ўсиш тенденцияси сақланб қолди. Жорий йилнинг январь-февралда аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 2009 йилнинг шу давридаги нисбатан 19,6 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион доллар йўналтирилди. Ёш оилаларнинг уй-жой шaroитларини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Ёшлар учун 106,8 миңга янги иш ўринлари яратилди.

Таълим муассасалари ва болалар спорт объектларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув-усулбий адабиётни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси, шунингдек, қишлоқ ҳўжалирдаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг барқарор макрoиқтисодий кўрсаткичлари ва иқтисодий таъминотининг юқори даражада мувозанатлашгани ҳамда молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва баргараф этиш чораларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислам Каримов томонидан белгиланган 2010 йилда республикани иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларининг ўз вақтида қабул қилинган ҳамда самарали амалга оширилганидан далолатдор.

Шу йилнинг 12 апрелида Тошкентда ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самардорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурига юксак баҳо берилди. Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодий илм-фани соҳасидаги етакчи олимлар, бизнесменлар, бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққийёт банки ҳамда Ислам тараққийёт банки каби бирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Конференция иштирокчилари Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий таркибий ўзгаришларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техника ва технология янгилашга доир қўрилган чора-тадбирларнинг самардорлигини таъминлаш ҳолда, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов томонидан белгиланган 2010 йилда иқтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари доирасида давлат эътиборини ушбу бунёдкорлик ишлари иқтисодий янада жадал юксалтириш, кенг қўламли таркибий ўзгаришларни рўйбга чиқариш ва мамлакат ҳаётининг барча жаҳалларини ривожлантиришга хизмат қилиди, деб ишонч билдиридилар.

Инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иқтисодийнинг барча жаҳалларини модернизация қилиш ва янгилаш жараёнини жадаллаштириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлаш учун ва пировард натижада, мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг юқори сифатини ҳамда халқимиз фаровонлигининг муттасил ошишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шaroитларни яратиш ҳажини иқтисодийнинг инқироздан қиқилинган узоқ муддатли жараёни давомида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий янада барқарор ривожлантиришни таъминлаш борасидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси


2010 йил — Баркамол авлод йили

## БИТИРУВЧИЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Хабар қилинганидек, Тошкент Халқаро Вестминстер университетида анъанага айланган «Карьера куни» бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлат ва халқаро ташкилотлар иш ўринларини талабаларга тақдим қилди.

Айтиш жоизки, республикаимизда саккиз йилдан буюн фаолият олиб бораётган Тошкент Халқаро Вестминстер университети иқтисодиёт, бизнес бошқаруви, тижорий ҳуқуқ, бизнесда ахборот технологиялари йўналишларида бакалаврият ва халқаро бизнес ва менежмент йўналишида магистратура даражалари бўйича Буюк Британия дипломига эга мутахассислар етиштиради.

«Карьера куни» иш берувчилар ва талабаларимизнинг манфаатини бирдек инобатга олган ҳолда ташкил этилади, — дейди ТХВУ проректори Низомжон Қодиров. — Университетда махсус касбга йўналтириш маркази йил давомида фаолият олиб боради ва бу борада кўплаб субъектлар билан узоқ муддатли шартнома имзоланган. Университет билан ҳамкорлик қилиш хоҳишида бўлган корхона-ташкилотлар учун эшигимиз доимо очик. «Карьера куни» кўплаб университет битирувчиларига ўқишни тамомлаш арасида ишга жойлашиш масаласини ҳал этишга қулай имкониятдир. Галдаги «меҳ-



— Университетда ҳар йили ўтказиладиган «Карьера куни» ижобий натижаларни бермоқда, шу боис анъанага айланган, — дея таъкидлайди ТХВУ ижтимоий ривожланиш бўлими раҳбари Алишер Собиров. — Бу йилги тадбирда одатдагидан кўп иш берувчилар қатнашди. Демак, мамлакатимиз ва хорижда фаолиятини бошлаган битирувчиларимизнинг билимлари синовдан муваффақиятли ўтган, деб тушуниш мумкин.

Иш берувчилар айнан шу куни баъзи талабаларнинг ўз йўналишлари бўйича амалга ошираётган битирув-малакавий ишлари тақдирини баҳраманд бўлиш ва уларнинг билими, иқтидорини бевосита баҳо-

Дунёда Ватандан буюкроқ неъмат, Ватан номидан-да муқаддас калом, Ватандан-да юксакроқ улуғлик йўқ. Бундай юксаклик қадрдон гўшамиз — оила, маҳалла, иш хизматимиз, мактаб остонасидан бошланади. Шу маънода мамлакатимизда оилаларга, келажак эгаси бўлган фарзандларимиз тарбиясига бўлаётган катта эътибор, алоҳида ғамхўрлик кўнглимизни қувончларга тўлдиради.

## ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Дарҳақиқат, юрти-мизда болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, соғлом авлодни камол топтириш учун барча шарт-шароит яратилган. Фарзандларимизни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Маълумки, Ўзбекистон 1992 йилнинг декабрида БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилди. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, 15 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистоннинг бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича амалдаги қонунчилигига тўла имплементация қилинди. Конвенция меъёрлари Ўзбекистон Конституцияси, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят процессуал кодекслари, «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқаролик тўғрисида»ги Қонунлар, Президентимизнинг кўплаб фармон ва қарорлари, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимий ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида ўз аксини топди.

Ушбу ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жаҳон андозаларига тенг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий реабилитация, спорт-соғломлаштириш масканлари барпо этиш, ўғил-қизларга чуқур таълим-тарбия

бериш, уларнинг саломатлигини муҳофаза-лаш, иқтидорини юзга чиқаришга яқиндан кўмаклашиш, ҳуқуқий саводхон ва маънан баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Бу борадаги эзгу ишларга бизнинг Оила маросимлари марказимиз ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилиб келмоқда. Дунёда ҳар нарсангиз ўлчови, мезони бўлганидек, қонун-қоидага амал қилиб яшаш ҳаётги мувозанатнинг бузилмаслигини кафолатлайди. Бизнинг вазифамиз эса фуқаролик ҳолатини қонун йўли билан расмийлаштириш, одамларда ўзига ва атрофидагиларга масъулият ҳиссини кучайтириш, жамият олдидаги бурчини унутмаслигини таъминлашдир. Ёшлар ниқоҳини қайд этиш, янги туғилган фарзандга гуявоҳнома ёзиш бизга қувонч бағишласа, ажрим ҳолатлари, ёлғиз оналар кам бўлишини ҳам истаймиз. Шу ўринда фарзанд туғилишини қайд этиш бўйича маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, Оила кодексининг 205-моддаси бўйича боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим. Туғилишни қайд

этиш учун унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинади. Узаро ниқоҳда бўлган ота ва онадан бирининг аризасига кўра туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига улар боланинг ота-онаси деб ёзиб қўйилади. Агар ота-она ўзаро ниқоҳда бўлмаса, боланинг онаси тўғрисидаги ёзув онанинг аризасига кўра, отаси тўғрисидаги ёзув эса боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризаси бўйича ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади.

Фарзандлар — ҳаётимиз давомчилари, фахру ифтихоримиз. Уларнинг ота-она бағрида, эмин-эркин, яйраб ўсиши, таълим-тарбия олиб, юрта муносиб фарзанд бўлиб вояга етиши олий мақсадимиз. Шундай экан, ўсиб келаётган ёшларни ҳуқуқий саводхон, маънан етук, қилаётган ишлари, ҳатти-ҳаракатларига жавоб бера оладиган онгли инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадимизга етишимизда муҳим омил бўлишини унутмаслигимиз керак.

Зеро, ҳар томонлама комил инсонгина келажак давомчиси, бунёдкор эл вақили бўла олади.

**Мўътабар МИРЗАЕВА,**  
Оила маросимлари маркази мутахассиси

## НАВОИЙ — ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ БОЙЛИГИ

Туркменистон Археология ва этнография институтида «Алишер Навоий — Шарқ адабиётининг мумтоз намояндаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Туркменистон Фанлар академияси ҳузурида фаолият юритувчи Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ушбу мамлакатнинг кўплаб олий ўқув муассасалари ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Тадбирни очар экан, Туркменистон Фанлар академияси президенти Г.Мезилов ўзбек ва туркман халқларини маданий, диний, урф-одат ва анъаналарнинг муштараклигига асосланган кўп асрлик дўстлик бирлаштириб туришини қайд этди. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ижодий мероси ҳам халқларимизнинг умумий бойлиги саналади.

Барчага маълумки, ўзбек адабиётининг ушбу мумтоз намояндаси шеърятчи Махтумқули, Андалиб, Мулланафас каби туркман халқининг таниқли шоирлари ижодига бевосита таъсир кўрсатган. Навоийнинг шеърини усули асосида кейинчалик туркман шеърятчи ҳам ривож топган. Туркменистонда Алишер Навоий меросини севишади ва ўргинади. Шоирнинг халқ томонидан эътироф этилганига мисол сифатида Г.Мезилов миллий торли мусиқа асбобидаги авж пардаси «Навоий октаваси» деб аталганини айтиб ўтди.

Кўлэмалар институти директори, Туркменистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси А.Аширов ўз чиқишида қардош халқларнинг бой маданий меросини биргаликда асраш ва ўрганиш муҳимлигини таъкидлади. Хусусан, у Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг Тошкент шаҳрида туркман шоири Мулланафас Қодирберди ўғли таваллудининг 200 йиллигига бағишланган илмий анжуман ўтказиш борасидаги ташаббусини юксак баҳолади.

Давра суҳбатида Тил ва адабиёт институти илмий ходими М.Арсариева, ушбу институт профессори Г.Нафасов, филология фанлари номзоди Б.Тагановлар ўз маърузалари орқали йиғилганлар Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодининг турли жиҳатлари ҳақида ҳикоя қилишди. Маърузачилар буюк ўзбек шоирининг кўплаб асарлари туркман тилига таржима қилинганлигини қайд этишди. Давра суҳбати доирасида Ўзбекистоннинг Туркменистондаги элчихонаси ҳамда Махтумқули номидаги Тил ва адабиёт институти захирасида бўлган Алишер Навоий ва Махтумқулининг китоблари кўргазмаси ташкил этилди.

«Жаҳон» АА,  
Ашхабод



нат ярмаркаси»да ўнлаб корхона ва ташкилотлар ўз иш ўринлари билан иштирок этди. Бу тадбирни ташкил қилишдан асосий мақсад, айтиб ўтилганидек, битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш баробарида, ўзлаштирган билимларини юртимиз фаровонлиги йўлида самарали йўналтиришига имконият яратиб беришдир.

лаш имконига эга бўлди ва шу тариқа муносиб кадр танлаб олишга эришди.

**Дилором ИКРОМОВА**  
СУРАТЛАРДА: Тошкент Халқаро Вестминстер университетида ўтказилган «Карьера куни»дан лавҳалар.  
**Козим Улмасов**  
Оила сурачлари

## Сил бутун организмда сурункали, йиллар давомида кечувчи юқумли касалликдир. Микробактериялар асосан ҳаво-томчи орқали юқади. Касалланган бемор йўталганида, ҳавога зарарли томчилар ажралади (бир кеча-кундузда 4-7 миллиардгача) ва яқин атрофдаги инсонларнинг нафас йўллариغا киради.

Соғлом инсон беморга қанчалик яқин бўлса, унинг танасига шунчалик кўп микроблар киради. Тор, ҳавоси янгиланмайдиган хонада жуда юқори даражага етади. Микробактерияларнинг атроф-муҳитда узоқ вақт давомида сақланишини ҳисобга олсак, силни ҳар қандай жойда, зарарланган ҳаводан нафас орқали юқтириб олиш мумкин. Бу касалликнинг асосий манбаи одам, қорамол, парранда, сичкон ва совуқ қонлилар ҳисобланади.

Уш, силнинг бошланғич турларини қандай аниқлаш мумкин? Бунинг учун болаларда туберкулин синамаси ўтказилади. 12 ёшдан бошлаб барча аҳоли флюорография кўригидан икки йилда бир мартаба ўтиб туриши лозим.

Уч ҳафтадан кўпроқ давом этувчи йўтал, шиллик ёки йирингли, баъзида қон аралаш балғамнинг ажралаши, вақти-вақти билан пайдо бўлувчи кечки иситма, кучли терлаш, айниқса тунлари, вазнини йўқотиш, кўкрак қасасидаги оғрик, умумий ҳолсизлик, иштаҳанинг бўғилиши сил касаллиги бўлиши мумкинлигига ишорадир.

Сил белгилари пайдо бўлганда нима қилиш керак? Энг яқин да-

волаш муассасасига, умумий амалиёт шифокорига мурожаат қилиш керак. Шифокор албатта балғамни текширишга йўланма беради. Кўпинча балғамнинг микроскопик текшируви сил мавжудлигини тасдиқлаши мумкин. Одатда балғамнинг учта намунасини текшириш

қўйилган бемор диспансерга йўланади.

Касалликни аниқлаш ва даволаш хизматлари амалдаги қонунчиликка биноан бепул кўрсатилади. Ҳозирда касалликни даволашда ДОТС стратегиясини қўллаш тавсия этилган, унинг асосий ва-

### Шифокор маслаҳати

## ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ КЎРИНГ

кифоя. Агар сил микробактерияси аниқланмаса, шифокор беморни рентгенолог текширувга йўллайди. Рентгенографик ёки флюорографик текширув ташхисни тасдиқлашга, у ҳолда 2-3 ҳафта мобайнида антибиотиклар билан даволаш усули қўлланилади ва юқори текширувлар қайтадан амалга оширилади. Шифокор барча маълумотларни таҳлил қилиб чиқади ва ташхис тўғрисида қарор қабул қилади. Сил ташхиси

зифаси — бевосита назорат остида қисқа муддатли кимётерапия курси бўлиб, ҳар бир таблеткани ичинини назорат қилиш, даволаниши жуда қийин ва қиммат бўладиган мултирезистент сил турлари келиб чиқилишининг олдини олади. ДОТС беморни бутун даволаш курси давомида зарур дори-дармонлар билан бепул таъминлашни кўзда тутади, лекин даволаш жараёни жиддий назорат остида бўлади. Касаллик узоқ вақт

даволанади. Бошланғич даврида шифохона шароитида камида 2-3 ой, сўнг амбулатор шароитида 6-7 ой даволанади. Касалликнинг даволаш курсидан тўлиқ ўтиш жуда муҳимдир. Чунки бемор даволанишни бошлагач ривожланаётган бактериялар сони одатда камайди ва шу билан бирга бошқа соғлом одамларга касалликни юқтириш хавфининг олди олинади, бир неча ҳафтадан сўнг бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди. Лекин у даволашни тўхтатмасдан, шифокор кўрсатмаларига мувофиқ дори-дармон қабул қилишни давом эттириши лозим, чунки бактериялар ўта яшовчандир.

Агар даволаш жараёни тўхтатилса ёки дори-дармон нотўғри қабул қилинса, бактериялар силни даволаш учун ишлатиладиган дори-ларга нисбатан чидамли бўлиб қолади ва кейинчалик уни даволаш учун анча кўп вақт ва ҳаракат талаб қилинади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ҳар бир инсон ўзида қайд этилган шикоятлар, сил касали билан мулоқотда бўлган ҳолатларда уни барвақт аниқлаш учун албатта оилавий шифокорига мурожаат қилиши лозим. Шундагина ўз вақтида касалликнинг олдини олишга эришилади.

**Умида СОДИКОВА,**  
4-силга қарши диспансер бош шифокори

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги катта сержант азиз адажонимиз **Жиян ота КАРИМОВ**ни табаррук 87 ёшлари билан чин дилдан муборакбод этамиз. Падали бузрукворимиз меҳрибон ойижоним Талиха ая билан бирга соғ-саломат бўлиб, фарзандлари 6 ўғил, 1 қиз, 7 куёв-келин, 23 невара, 17 невара келин-куёв, 42 чевара, 2 чевара куёв, 2 эвараларнинг 100 кишилик Каримовлар сулоласининг даврасини тўлдириб, бош бўлиб юришларини Яратгандан сўраб қоламиз.

Фарзандлар номидан истеъфодаги подполковник, «Тошкенттранстерминал» уюшмасининг жамоатчи вақили **Рўзбой Каримов**

## Спорт янгиликлари

## ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА — СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкент Тиббиёт академияси маъмурияти талабаларни соғлом турмуш тарзига ошно этиш, оммавий спорт билан шуғулланишни ташкил қилиш борасида кенг кўламдаги ишларни амалга ошириб келади. Жумладан, академия ўқитувчи ва талабалари ўртасида ҳар йили спорт байрамлари, спартакиадалар ташкил этилади.

Баркамол авлод йилига бағишланган навбатдаги спорт байрамига старт Тиббиёт академиясининг биринчи ҳудудида жойлашган спорт мажмуасида берилиб, унда олий ўқув юртининг даволаш, тиббий-педагогика, тиббий-профилактика, стоматология, олий маълумотли ҳамшира, магистратура талабалари ва профессор-ўқитувчиларидан тузилган жамоалар, 1,2,3-клиника шифокорлари иштирок этишди.

Профессор-ўқитувчи ва талабалар эстафета югуриши волейбол, стол тенниси, шахмат ва шейпинг бўйича ўз куч-маҳоратларини кўрсатишлари лозим эди.

Кунни кеча 2-Тошкент Тиббиёт академиясининг «Шифокор» спорт мажмуасида мазкур байрамнинг яқунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Курсдошларининг кўллаб-қувватлаши ос-

тида жамоалар юқори натижаларни кўрсатишга ҳаракат қилди. Ҳакамлар ҳайъати ҳам ҳолис тарзда баҳолаб борди.

Сарҳисоб бўйича эстафета югуришида даволаш факультети жамоаси ғолиблар шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олган бўлса, шахмат ва шейпинг баҳсларида тиббий-педагогика факультети талабаларига тенг келадиганлар топилмади. Волейбол ва стол тенниси учрашувларида стоматология факультети жамоаси зафар кучди.

Спорт байрамнинг ғолиб ва совриндорларига дипломлар, медаллар ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ,

Кутбиддин НИЗОМОВ

СУРАТЛАРДА: спорт байрамидан лавҳалар

Алексей Попов олган суратлар



## ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

«Жар» стадионига йиғилган минглаб мухлислар «Бунёдкор» ва Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ваҳда» жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ баҳсининг гувоҳи бўлишди.

мухлислар 5 та голнинг гувоҳига айланишди. Учрашув 4:1 ҳисобида Сколари шогирдларининг ажайиб ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга голларни «Бунёдкор»дан Ривалдо,

Денилсон (2 та), Хайдаров, «Ал-Ваҳда»дан Талол Абдулла ал-Жунайдий киритишди.

Ушбу гуруҳдаги Эроннинг «Зоб Аҳан» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоа-

лари ўртасидаги учрашув эронликларнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

«Зоб Аҳан» 13 очко жамғарган ҳолда биринчи, «Бунёдкор» 10 очко билан иккинчи ўринни

эгаллади, ҳар икки жамоа кейинги босқич йўлланмасини кўлга киритди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг ҳар уч жамоаси «Бунёдкор», «Пахтакор» ва «Наср» Осиё чемпионлар лигаси турнири ва Осиё футбол конфедерацияси Кубоги баҳсларида мусобақаларни давом эттиришади. Жамоаларимизга келгусидаги учрашувларда ҳам омад ёр бўлишини тилаймиз.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

## РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

Маълумки, 2011 йилда Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

си «А» гуруҳида қатарлик, қувайтлик, хитойлик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушади.

Кўп минг сонли мухлислар номидан

терма жамоамиз вакилларининг Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этишига умид билдириб қоламиз.

Миржамол ХАТАМОВ

## Танловлар

## САҲНАДА — ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР

«Туркистон» саройида 2009 йил августда бошланган «Иқтидорли болалар» танлов-марафонининг якуний босқичи ҳисобланмиш гала-концерт бўлиб ўтди.

Танлов эстрада, пародия жанри, сюжетли саҳна каби бешта номинация асосида ташкил этилиб, ижро техникаси ва сифати, репертуарининг ижрочининг ёши ҳамда вокал бўйича қобилиятига уйғунлиги, хореография ечимларининг аниқлашда асосий мезон вазирасини ўтади.

Албатта, ушбу марафонни ўтказишдан болалар ижодига кенг йўл очил

ривожлантириш, болалар ва ўсмирлар ижодий жамоаларининг ижро маҳоратини ўстириш, ёш иқтидорларни аниқлашдек хайри мақсадлар кўзланди.

Тадбир жараёнида Александр Завалюк, Юра Ким, Александр Ким, Лия Булгакова, Марина Ким сингари ёш иқтидорларнинг кўнгиракдек овозлари, «Радуга», «Вавилон» шоу-гуруҳларининг маҳорати му-

таҳассислар томонидан эътироф этилди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг иқтидору маҳоратини баҳолаганидан сўнг ғолиблар номи эълон қилинди. Бош соврин — гран-при «Кодбонери» шоу-гуруҳи ҳамда Александра Лига насиб этди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: «Иқтидорли болалар» танлов ғолиби Александра Ли.

Алексей Попов олган сурат

Саудия Арабистонида «Ал-Шабооб» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ўртасида Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳ баҳси бўлиб ўтди.

## «ПАХТАКОР» — ЧОРАК ФИНАЛДА

Шуни таъкидлаш жоизки шу кунгача ўтказилган 5 та тур баҳсларидан сўнг «Пахтакор» пешқадамлик қилаётган эди. Умуман, тошкентликларда кейинги босқич йўлланмасини кўлга киритиш учун яхши имконият сақлаиб турган эди. Шу боисми, учрашув ҳужумкор ва шиддатли курашлар остида кечди. «Ал-Шабооб»нинг ҳам, «Пахтакор»нинг ҳам майдонда фақат ғалаба қозониш учун ҳаракат қилгани таҳсинга сазовор. Дарҳақиқат, биринчи гол мезонлар дарвозасига Шерзод Каримов томонидан киритилди. Ана шундан сўнг пахтакорчилар бироз хотиржамликка берилди. Майдон эгалари иккинчи бўлимда ҳужумга зўр берилди. Бу ўз самарасини кўрсатди. Аввалига Комачо пенальтидан ҳисобни тенглаштирди. Мезонлар томонидан киритилган иккинчи голга Омадо Флабио муаллифлик қилди. Гарчи ушбу беллашувда ҳамшаҳарларимиз 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган бўлишсада, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

(Ўз муҳбиримиз)



## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақдоран Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.08.2008 йилдаги №2-57-2008 ижро ҳужжатига асосан «Бета Алгоритм АШ» МФЖ шаклидаги чет эл корхонасига қарашли, корхона ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Форд-транзит» русумли, д/р М47-25 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 310 048 сўм; 2. «Форд транзит» русумли, д/р М47-15 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 945 627 сўм; 3. «Форд транзит» русумли, д/р М47-16 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 18 397 585 сўм; 4. «Форд транзит» русумли, д/р М47-24 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 174 603 сўм; 5. «Форд транзит» русумли, д/р М47-18 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 15 573 215 сўм; 6. «Форд транзит» русумли, д/р М47-21 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 129 501 сўм; 7. «Форд транзит» русумли, д/р М47-22 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 878 095 сўм; 8. «Форд транзит» русумли, д/р М47-20 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси —

15 746 847 сўм; 9. «Форд-транзит» русумли, д/р М60-56 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 182 90 сўм; 10. «Форланд» русумли, д/р М71-16 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 310 048 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 25 май кун соат 11:00да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотичи билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

## «НАМКОРЛИК» КРЕДИТ УЮШМАСИ

2010 йил 30 май кун соат 10.00 да 2009 йил якунлари бўйича пайчиларнинг умумий йиғилиши ўтказилишини эълон қилади.

Манзил: Янгийўл шаҳри, Абай кўчаси, 31-уй. КҮН ТАРТИБИ:

1. Кенгаш, Ижроия органи ва Кредит кўмитасининг 2009 йил ҳисоботи.
2. Аудиторлар ва тафтиш комиссиясининг 2009 йил ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Кредит уюшмасининг 2009 йилги йиллик балансини тасдиқлаш.
4. 2010 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

Мурожаат учун телефон: + 99890 3565590



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бўшқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3973 нусxada босилади.  
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбаа оқшорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5